





# МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА

Истиклол туфайли миллатимиз, халқимиз шаъни, ор-номуси, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, эл-юртимизнинг суюкли фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай хайрли ва савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.



Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг кенг нишонлини олдидан бугунги дорилмомон кунларга этишишимизга сабаби бўлган, юрт мустақиллиги, Ватан тараққиёти йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

... 31 август. Тонг.

Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Зеро, улуг байрамимиз нишонланаётган шукуҳли кунларда шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги

ёруғ кунларимизни қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустақамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди. Бу ерда эл-юрт эъзозидеги кекса авлод вақиллари, илм-маърифат аҳли — зиёлилар, ҳукумат аъзолари ҳозир бўлишди.

Атрофга миллий мумтоз мусиқа садолари таралди. Қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги саккиз устунли улкан айвоннинг мовий гумбазидеги кўёш нурлари жилваланади. Лоқувард гумбаз остидаги зарҳал харфлар билан битилган «**Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир!**» сўзлари мунаввар тонг шуъласидан янада нурафшон тортади. Мустабид тузум йилларидаги машум қатлларга гувоҳ бўлган Бўзсув эзгулик ва адолатнинг боқийлигидан сўзлаётгандек...

Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Ислам Каримов Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

— Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга этиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, — деди Юртбошимиз. — Мустабид тузум қурбонларига кўрсатилган бундай эҳтиром кишилардаги «дунёда адолат бор, у эртами-кеч, албатта, юзага чиқади» деган юксак ишонччи мустақамлашди. Қолаверса, бу дунёнинг ўткинчилиги, аммо эзгулик, инсон хотираси абадий эканини ҳар бир кишига, айниқса, ёшларимизга доимо англайтиб туради.

Хар қандай обида

унга ташриф буюрган, шу аснода ўзини қизиқтирган саволларга жавоб толган кишилар билан серфайз. Кишилар қадам босмайдиган ёхуд зарурат юзасидангина бирров йўқлаб қўйиладиган манзилларни том маънода обод гўша дейиш қийин. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ҳам шунчаки зиёратгоҳ бўлиб қолмасдан, кишиларни, айниқса, ёшларимизни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дорилмомон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи, сеvimли масканлардан бирига айланмоғи лозим, деди Юртбошимиз. Бунинг учун, аввало, музейдаги экспонатларни доимий равишда янгилаб туриш, унинг ҳазинасини ўша давр руҳини акс эттирадиган

буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб бориш даркор. Бу ерда мустабид даврнинг шохиди бўлган табаррук кексаларимиз билан тез-тез мулоқотлар уюштириш, улар берган қимматли маълумотларни ёзиб олиб, келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш яхши натижа беради. Бир сўз билан айтганда, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейини тўлақонли маънавий-маърифий масканга айлантириш учун уни кўпроқ тарғиб ва ташвиқ этиш зарур. Токи, унинг доғруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилсин, бу табаррук мажмуага қалб-амири билан ташриф буюрадиган кишилар янада кўлайсин.

Инсондан нима қолади? Албатта, унинг қилган эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари қолади. Бунга XX аср бошида хал-

қимиз орасидан етишиб чиққан Бехбудий, Мунаввар қори, Фиррат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек сингари кўплаб маърифатпарвар боболаримизнинг курашчан ҳаёти ва фаолияти ёрқин мисол. Уларнинг Ватанин овоз кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиклол туфайли рўёбга чиқди. Бугун овоз ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан барқамол авлод вояга етмоқда.

Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустақамлаш, эл-юрт ва халқига садоқат сингари муқаддас тушунчаларни бугунги ёш авлод онгига чуқур синдиришимиз лозим. Негаки, ватанпарварлик гоёси онгига чуқур муҳрланган, дунёқарашни кенг, ҳар жиҳатдан билимдон, зукко ва ҳамisha оғоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навиқрон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказолмайди.

Истиклол йилларида қўлга киритилган ютуқларимиз, амалга оширилган улкан ишларимиз замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти муҳассас. Муҳими, юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақиллигини мустақамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашда ўзини бурчи деб билган, Ватан тақдирини дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Демак, мустақиллигимиз абадийдир.

Норали ОЧИЛОВ,  
ЎзА мухбири.  
Дипломат ЮСУПОВ  
олган сурат.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида юртимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган брифинг ўтказилди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг инглиз тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

## ВАШИНГТОНДА БРИФИНГ

Брифингда АҚШ Давлат департаменти, Пентагон, мамлакат Конгресси, етакчи тадқиқот марказлари, ахборот агентликлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Абдулазиз Комилов сўзга чиқди. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобини таништирган экан, у мушкул ташқи хавфсизлик муҳитига қарамай, Ўзбекистон ўз мустақиллигини, тараққиётнинг демократик ва дунёвий йўлини ҳимоя қилгани ва келажикда ҳам ҳимоя қилаётганини қайд этди.

У, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий тараққиёт, жамиятининг демократик янгилаш борасида эришган ютуқларга тўхталиб ўтди.

Брифингга сўзга чиққан Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари, профессор Ф. Старр Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда ҳамisha етакчи ўрин тутганини таъкидлади. Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида АҚШ-Ўзбекистон бутун минтақа учун масъулиятни ўз зиммасига олди. «Уша пайтдаёқ мамлакат Тожикистон ва Афғонистонда ўт олиб келадиган моҳирларнинг салбий таъсири билан тўқнаш келди. Ўз чегараларида Ўзбекистон қурол ва наркотикларнинг кенг қўлланилиши, диний экстремизм мафқурасининг экспансиясига қарши туришга мажбур бўлди», — деди олим.

Учрашувда айнан Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан «6+2» гуруҳи доирасида Афғонистон бўйича амалий музокараларнинг формуласи ҳаётга татбиқ этилгани таъкидланди. Бу — халқаро терроризмнинг ниҳоятда хавфли ўчоғига жаҳон ҳам-жамиятининг жиҳдий эътиборини жалб этди. Президент И.А. Каримов, шунингдек, БМТга Марказий Осиёни ядро қуролдан холи ҳудудга айлантириш таклифини ҳам киритди.

АҚШ-Ўзбекистон савдо палатаси ихроци директори Б. Пейсинг айтишича, АҚШ ишбилармон доиралари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш билан ёндашишда давом этмоқда. Шу ўринда Б. Пейс америкалик бизнесменлар Президент И.А.Каримов билан 2000 йилда Нью-Йоркда БМТнинг янги мингйиллик бағишланган саммити иши давомида бўлиб ўтган учрашувни ҳали-ҳали ёдидан чиқармаганини алоҳида қайд этди. Ушунда, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан бир йил аввал, Ўзбекистон Президенти америкалик тадбиркорларни халқаро террорчилик глобал қўришига эга экани, халқаро ҳамжамияти Афғонистонда давом этаётган моҳирлардан кўз юмишининг ҳалокатли оқибатлари тўғрисида оғохлантирган. «Энди ўтмишнинг ҳатоларини такрорламадан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда экстремистик гуруҳларнинг фаоллашиб қолгани тўғрисидаги фикрларига диққат билан қўлоқ солиш лозим», — деди Б. Пейс.

UPR ахборот агентлигининг халқаро мухбири, террорчилик масалалари бўйича кўзга кўринган эксперт Ж.Дейли Ўзбекистон экстремистик мафқура ва террорчиликнинг минтақага тарқалишини ўшлаб турган мамлакат эканини таъкидлади. — Агар жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши курашида қўллаб-қувватламаса, — деди журналист, — беқарорлик бутун Марказий Осиё минта-

қасига таҳдид солиши мумкин.

Ж.Дейли «Андижонда аслида нима бўлганини тушуниб етмаган» Ж.Буш маъмуриятининг сиёсатини танқид қилди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон ҳукумати Андижондаги воқеалар тўғрисида тақдим этган видеоматериаллар у ердаги воқеалар пухта режалаштирилган террорчилик ҳаракати бўлгани ва уларнинг жараёнида республикадаги давлат ҳокимияти органларига ҳужум уюштирилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ж.Дейли, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг диний экстремизмга қарши кураш борасидаги ёндашувини муслмон дунёси ҳам фаол қўллаб-қувватлаётганини қайд этди. Хусусан, унинг айтишича, Андижондаги воқеалардан икки ҳафта ўтганидан сўнг Мисрнинг бош имоми, шаёх ал-Азар Мухаммад Тантавий «Агар экстремистларнинг режалари амалга ошганида — бу ислом дунёсини бир неча аср ортага улқотириб юборар эди», дея таъкидлаган. Журналистнинг қайд этишича, Фарб «Хизб-ут Тахрир» ва «Акримия» каби экстремистик ташкилотларнинг асл ролини тушуниб етмаслиги — кечириб бўлмас ҳолат.

UPRнинг халқаро мухбири таъкидлашича, Андижондаги воқеалар талқинини бундан кўрашга «ҳақиқатни етказишга эмас, балки шунчаки сиёсий оқоллар тўпла олишига» интилаган Фарб матбуоти ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ивгарона роль ўйнаган. У, шунингдек, АҚШни демократияни «куч ёрдамида тарқатишдан воз кечишга даъват этди. Унинг сўзларига қараганда, зиммасида «Абу-Фароб қамқохонсидаги моҳиро муаммоси турган мамлакат маъмурияти бошқаларни универсал қадриятларга ўргатишга маънавий жиҳатдан ҳақли эмас». Ўз сўзининг якунида у «агар Вашингтон ҳақиқатдан ҳам халқаро терроризмга барҳам беришга интилаётган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон билан ҳамкорлик тикланмоғи даркор», дея таъкидлади.

АҚШ Марказий Осиё давлатлари уюшмаси президенти Б. Пинкус Президент И.А. Каримовнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади. Айнан унинг сўз-харақатлари туфайли Ўзбекистонда ва бутун минтақа миқёсида динлар ва халқлараро тотувлик ҳукм сурмоқда.

— Ўтиш даврини бошдан кечириётган ҳар қандай давлат каби Ўзбекистон ҳам қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Уларнинг ҳал этилиши ҳар доим ҳам қўтилаётган натижаларни беравермайди. Бироқ биз шунинг унутмаслигимиз лозимки, Ўзбекистон «қўлиланган» тараққиёт йўлидан бора олмас эди, мамлакат учун ўзига хос маҳаллий шароитларга мослашган ислохот модели зарур эди, — деди у.

Б. Пинкус АҚШ демократик фундаментализм фойдасини қўллаб, Ўзбекистон билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликдан воз кечмаслиги лозимлигини таъкидлади.

— Демократияни фақатгина тадрижий йўл билан жорий этиш мумкин. Инқилоблар эса минтақа учун номақбул ва жуда хавфлидир, — деди у.

Брифинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Президент И.А. Каримов ва мамлакатимиз халқига дўстона табрикларини ва самимий тилакларини изҳор эттиди.

Жаҳон АА.  
Вашингтон.

### ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

## ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 31 август.  
Саида Сайхун  
«Фусункор фавворалар»:

«Фавворалар... У қайси замон, қайси маконда бўй чўзмасин, инсоннинг руҳий оламига силсила, шаҳарнинг чиройига ажиб тароват бахш этиб туради. Пойтахтимиздаги оқ мрамар тошлар билан безатилган тунда тусланувчи, рангли фавворалар беҳтиёр киши руҳиятига сокинлик улашиб, шўқроналик ҳиссини уйғотади».

«Тошкент оқшоми» 30 август.  
Шавкат Ёқубов  
«Ўзбек футболнинг жонқуяри»:

«Ҳозир Исоқ ака 80 ёшда. Кўз тегмасин, ҳали бардам, бақувват. Майдонда шоғирдлари билан бара-вар ҳаракат қилади. Бунинг сабабини сўраймиз: — Сабаби, — дейди у, — футболни ҳамда болаларни яхши кўрганлигимда. Кичик ўғлим Искандар-жон хорижда ишлапти. Яқинда меҳнат таътилига келганда: «Адажон, бўлди энди, чарчадингиз. Ахир саксонни «уриб» қўйдингиз. Энди дам олинг, ишланманг», — деди. Мен унга футбол менинг ҳаётим эканлигини тушунтирдим».

«Ҳаёт» 31 август.  
Нодир Нарзуллаев  
«Миллий богимиздаги мўъжиза»:

«Кўз нуриимиз, дуру гавҳаримиз, Шарқ дарвозаси саналмиш муаззам пойтахтимиз Тошкентда, мустақил диёримиз шаҳар-қишлоқларида янгидан бунёд этилган, этилаётган халқимиз, давлатимиз салоҳиятини, куч-қудратини намойён этувчи бир-бирдан гўзал ва бетакрор Истиклол иншоотларида кўҳна биносозлигимиз, наққошлик, уймакорлик, ганҷкорлик каби хунармандчилигимиз аънаваларидан ўрни-ўрнида, жой-жойини топиб, ўта юксак дид билан фойдаланилаётгани, эндиликда бу иншоотларни бемалол миллийлик ва замонавийликни ўзида бирдек мужассам этган Истиклол обидалари, десак ярашади».

«Оила ва жамият» 31 август.  
Иқбол Мирзо «Ўн беш кунлик тўлин ойдек»:

«Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги ҳақида ўйлар эканман, «Ўн беш кунда ой тўлади», «Ўн беш кунлик ойдек», каби иборалар хаёлимдан ўтади. Бугун юртимизнинг жамолини ўн беш кунлик тўлин ойга ўхшатгим келади. Назаримда, биз қоронғу ўрмондан тўсатдан ёруғликка чиққандекмиз. Ёки бўғиқ ҳаводан чиқиб, мусаффо бир ҳаводан нафас олаётгандекмиз».

## ОКСУС компаниялари гуруҳи ва ЁАЖ «Амантайтау Голдфилс» қўшма корхонаси жамоаси


### Ўзбекистон халқини республика Мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий қутлайди.

15 ЙИЛ

Мамлакат ривожининг муҳим босқичида барчага янги зафарлар, мустақам соғлиқ, бахт ва ҳар бир бошлаган ишида омадлар тилаймиз. Мустақилликнинг ҳар бир кунини барчамизга қувонч ва янги муваффақиятлар келтирсин!

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона  
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru



# 15

йил

*Азиз ватандошлар!*

*Барчангизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг*

*15 йиллиги байрами билан муборакбод қиламиз!*

*Сизга ва ақинларингизга саломатлик,  
тинчлик-тотувлик, фаровонлик, муваффақият  
ва бахт тилаймиз!*

*«Ўздунробита» компанияси*

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар  
«Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.



## SIEMENS

«СИМЕНС» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ


**Ўзбекистон халқини азиз  
ва мўтабар байрам — мамлакат  
Мустақиллигининг 15 йиллиги  
билан самимий қутлайди!**

Ўзбекистон Республикаси ўтган қисқа муддат ичида сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда муҳим ислохотларни амалга ошира бориб, бозор муносабатларига асосланган янги ҳаёт йўлига жўшқинлик билан кириб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган оқилона сиёсати, мамлакат ичкарисидаги барқарорлик ва илгари силжиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ютуқлар, кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, самимият, муносабатлардаги бағрикенглик, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга ишонч бизни беҳад қувонтиради.

Ўзбекистонда телекоммуникация, телевидение ва радио, транспорт, енгил саноат, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва замонавийлаштиришда «Сименс» ҳам самарали иштирок этаётганидан биз беҳад мамнунмиз.

Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисига бахт-саодат, мустақкам соғлиқ, қувонч ва чексиз муваффақиятлар тилаймиз!



## «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

*қуошмаси*


*Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва  
иқтидорли халқини энг қизғ байрам —*

**Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг**

**15 йиллиги билан**

*муборакбод этади!*

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада  
гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини  
ошириш, иқтисодиётимизни  
мустақкамлаш ва ривожлантириш  
йўлидаги меҳнатингизда улкан  
зафарлар тилаймиз.**



# «ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча  
фуқароларини энг улуғ,  
энг азиз байрам — мамлакатимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

# 15 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод  
этади.

# «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КЎПМИЛЛАТЛИ ЖАМОАСИ


серқуёш Ўзбекистонимизда яшовчи барча  
юртдошларимизни мамлакатимиз

## МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ

билан қизгин ва самимий муборакбод этади!

*Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, гўзал  
қиёримизда доимо тинчлик-осойишталик бўлсин!*

«Қизилқумцемент» ОАЖ —  
Сизнинг ишончли ҳамкорингиз!



## «Алп Жамол банк»

хусусий очик акциядорлик тижорат  
банки раҳбарияти ва жамоаси

*қалби меҳр-муҳаббат, эзгулик ва соховатга  
тўла халқимизни энг улуг байрамимиз –*

### Мустақиллигимизнинг

### 15 йиллиги

*билан самимий муборакбод этади.*

Барча юртдошларимизга  
соғлиқ-омонлик, оилаларига  
тинчлик-тотувлик, файзу  
барака тилайди.



## «AFRUZ»

ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини

### Истиқлолнинг

### 15 йиллик

байрами билан самимий  
муборакбод этади!



*Ҳомийлар ва шифокорлар йилида  
барчага сиҳат-саломатлик,  
бахт-саодат, тотувлик,  
хонадонларига  
қут-барака тилайди.*

*Байрамингиз қутлуғ бўлсин,  
азиз юртдошлар!*

Маълумот учун телефонлар:  
173-61-16, 173-64-54



### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

таркибидаги коллежлар ва лицейлар ўқитувчилари,  
талабалари Мустақил юртимиз аҳлини, тизимдаги  
барча жамоаларни, ҳамкасбларни энг улуг,  
энг азиз байрам –

### Истиқлолимизнинг 15 йиллиги

билан самимий ва қизгин муборакбод этади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълими худудий бошқармаси таркибида 93 та касб-ҳунар коллежи,  
5 та академик лицей ва 3 та лицей фаолият кўрсатмоқда.  
Уларда жами 92 619 нафар ўқувчи таълим олмоқда.  
Бошқарма таркибидаги жамоалар байрамни ёруғ юз, шоду  
хуррамлик билан кутиб олаяптилар.  
Биргина шу йилнинг ўзида 9 та янги коллеж фойдаланишга  
топширилганини, 2 таси тўла қайта таъмирланганини байрам  
кунларида мамнуният билан таъкидлаймиз.

*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*





**«UZ-TEXASO»**  
ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Ўзбекистон халқини  
республика  
Мустақиллигининг  
15 йиллиги билан  
муборакбод этади!**

Барчага тинчлик-  
хотиржамлик, оилавий  
бахт-саодат, фаровонлик  
ва омад тилайди!




ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**«МАХСУСТРАНС»**  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ

Азиз юртдошлар!  
Барчангизни энг улуг, энг азиз  
байрам — Мустақилликнинг  
15 йиллик тўйи билан чин қалбдан  
муборакбод этамиз.

Обод юртимизнинг гуллаб-яшнашида  
сидқидилдан меҳнат қилаётган  
ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ  
ва бахт-саодат тилаймиз.

**Мустақиллигимиз мангу бўлсин!**



*Ўтган 15 йиллик Истиқлол даври мамлакатимиз учун ҳар томонлама ўсиш-улғайиш йиллари бўлди. Мустақиллик дастлаб давлатимиз учун сув ҳамда ҳавода зарур нефть ва дон мустақиллигига эришиш билан мустаҳкамланди. Шукрки, бугунга келиб миришкор деҳқонларимиз етиштираётган ғалла эҳтиёжимизга етиб ортмоқда.*

*Мамлакатимиз халқини хуштаъм ва бўрсилдоқ нон ҳамда нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўйишдан ўзини бахтиёр ҳисоблаган*

**«ОҚОЛТИНДОН»**

ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*энг улуг ва энг азиз байрам —*


**Мустақилликнинг  
15 йиллиги**

*билан барча юртдошларимизни  
самимий табриклайди.*

*Юртимиз тинч бўлсин, хонадонларимиздан тўй,  
дастурхонларимиздан нон аримасин!*



# МУСТАҚИЛЛИК — ФУРУРИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ!



**Муборак қадамжоларимизни** эъзозлаган, улуг аждодларимиз ва уларнинг табаррук номларини улуглаган кишилар Аллох ёрлақан инсонлардир. Негаки, халқимизнинг буюк тарихини улуглаш ҳамда уларга муносиб ворис бўлиш ўзимиз, ўзлимизни англашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бугунги дорилмон кунларнинг қадрини нечоғли буюклигини англайди.



## УСТА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш билан бирга, осори атиқаларимиз — муқаддас қадамжоларимизни обод қилишга катта эътибор бериб келмоқда. Поштахотимиздаги "Хотира майдони", "Қатагон қурбонлари хо-

тираси" музейи, Самарқанддаги Ал-Бухорий, Бухородаги Баҳоуддин Нақибанд мажмуалари... Буларнинг барчаси ўтмиши ҳам келажакимизга буюк бўлган халқ тарихининг бир бўлаги ҳисобланади. Ана шу қурилишларда камарбасталик қилган, нақшикор айвонлар, устунлар, шарқона дар-

возалар ижодкори Абдуғани Абдуллаев бугун Ўзбекистон Қаҳрамони! Бир сўз билан айтганда, ҳар қанча фахр қилсак, фахрга арзийдиган инсон! Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабининг давомчиларидан бўлмиш Абдуғани ака ўз меҳнати, эғаллаган касби-қори туфайли эл қадрини, юрт ардоғини. Бугун ус-

тозни кўлаб шоғирлари, уни таниган яқинлари, уста яратган бебаҳо асарларнинг муҳлислари чин юракдан қўламоқда. Бу эътироф нафақат устага, балки юртимизнинг гузал ва навқирон бўлиши учун астойдил хизмат қилаётган хунармандларга кўрсатилган юксак эътибордир.

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев.

Абдуғани ЖУМА олган сурат.

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

Республикамиз иқтисодийнинг етакчи саноат корхоналаридан бири Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида халқ сайили уюштирилди. «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» ширини остида ўтган ушбу тадбир карнай-сурнайларнинг садолари билан бошланди.

## «НЕФТЧИЛАР ХИЁБОНИ»ДА САЙИЛ



Тадбир ташкилотчилари шу азият Ватанда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг дўст, баҳамжихат яшаб, бир максат йўлида меҳнат қилаётганликларига асосий эътиборни қаратдилар. Шундай шуқуҳлик кунда завод ишчиларидан Емис Темурхонова ва Александр Киберларнинг никоҳ тўйи даврга ўзгача фойда олиб кирди. Ёш келин-куёвларни завод директори М.Эргашев бахтли кеча муносабати билан табриклаб, уларнинг ҳар бирига 200 минг сўмдан пул мукофотлари ҳамда рангли телевизор топширди.

нинг никоҳ маросими 3 ва 4-цех ишчилари ижросида намойиш этилди. 5-цехнинг даврага чиқишида кирғиз халқининг суннат тўйи тантанаси нишонланди. Кўпни кўрган, эл-улус қадрлаган, ёши улуг момо тўйболага эзгу тилаклар билдирган ҳолда аждодлар удуми азалий расм-русумларини рисоладагидек ўтказди. Кирғиз тилида ижро этилган шўх кўшиқлар ва рақслар олқишларга сазовор бўлди. Корейс халқи вакиллари билан иборат бўлган 6-цех ишчилари миллий кийимда сах-

нага чиқиб келишди. Бошловчи Жанубий Корея ва мустақил Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганини, бунинг натижасида мамлакатимизда юзлаб хорижий компаниялар сармояси юртимизга кириб келгани ва бу иқтисодийимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақида эзгу гапириб ўтди. Шу билан бирга, корейс миллий маданияти ва санъати намуналари ҳам намойиш этилди.

«Нефтчилар хиёбони»да байрам сайли тун яримигача давом этди.

**Небижон СОБИР,** «Халқ сўзи» мухбири.



**СУРАТЛАРДА:** Татар ва корейс миллий-маданий марказларининг чиқишлари. Ш.ҚОРАБОВ олган суратлар.

## МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМИЗДА

### Мен англаб етган ҳақиқат



Асрлар синовидан ўтган, ҳаётий таъдирини топган бир ибора бор: одам Ватанини танламайди. Баркамол инсон киндик қони тўқилган жойини Ватан деб билади. Бу муқаддас тушунча эса, аввало, остонадан бошланади.

Шўро даврида шундай баландпарвоз таъриф айтиларди: «Ватанимиз СССР, бизники ҳаво, сув, ер». Минг шукрки, ўн беш йил муқаддам Ўзбекистон ўзини мустақил деб эълон қилгандан сўнг чинакам юрт туйғуси, миллат гурури, халқ куч-қудрати деган аниқ тушунчаларнинг маъно-мазмунини англаб етдик.

Агар инсон ўзи яшаётган заминни обод қилса, шу эзгу ҳаракатдан қалбига гурур туйғусини ҳис қилса, Ватан тарқиқети учун интилни шудир. Биз ҳам мустақилликнинг 15 йиллигида асрларга тенг янгиликларни, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи, бевосита иштирокчиси бўлдик. Илгари Қашқадарё деганда беповбн чўлу ойёбонлар тушуниларди. Энди эса бу воҳода рўёбга чиқарилган ишлар кўламини кўрган одамнинг ақли шошади. Шу қадр улкан қурилишлар, туб ислохотлар бугун руҳимизга, танамизга ғайрат ато этмоқда. Ўз юртидан гурурланиш деганлариз аслида шу эмасми?

Мен ўзим туркман миллатига мансубман. Ўзбекистонда барча миллатлар эркин яшаш учун жамики имкониятлар яратилган. Мен бунинг ўз ҳаётим мисолида дилдан ҳис қилиб келяман. Президентимиз Фармонларига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони ва «Дўстлик» ордени билан тақдирланганман. Ўзбек халқи канчалки бағрикенг, сазоватли эл эканлигини шундай эъзоз-эҳтиромлар мисолида юрагимдан ҳис қиламан. Назаримда, бунчалки эътибор фақат бизнинг юртимизда бўлиши мумкин. Шунинг билан айтганим, қўшни Туркменистон мамлакатиде яшаётган миллатдошларим бизга ҳавас қилишади. Ўзбекистонликлар бугунги даражага ҳамда йўлбоши туфайли, аҳил ва меҳнатқаш халқ туфайли эришганини эътироф этишади.

Инсон пешона терини ўз яшаётган заминга тўкса, ҳаммаша юксак парвозларга чоғланиб яшайди. Бу ҳақиқатни мен олтимиш ёшга тўлган давларда, айниқса, қалбим англаб етдим. Бизнинг авлод ўз ҳаёти мобайнида кашф этган бу тамойил янги ўсиб келаятган фарзандларимиз томонидан давом эттирилса, Ўзбекистонимиз янада юксак поғоналарга кўтариларди, халқимиз саломати ва нуфузи бугун оламни тутарди. Бунга менинг ишончим комил.

**Мамат ЖУМАҚУЛОВ,** Миришкор туманидаги Ғафур Ғуллом номидаги ширкат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими.

## Учрашув

Жасур Мирсоатов 14 ёшлигида (2003 йил) «Туркистон» саройида икки кун «Ҳаётим бошланди» деб номланган концертни намойиш этганди. Ушундан концертни кўрган бир ярим мингдан зиёд томошабин ёш хонанданинг истеъдодидан ҳайратга тушганди. Яқинда «Халқлар дўстлиги» саройида унга «Нихол» мукофоти топширилгандан сўнг хонанда билан суҳбатлашдик:

### Жасур МИРСОАТОВ:

## «Юрт доврўғини мадҳ этсам дейман»

— Аввало, «Нихол» мукофоти муборак бўлсин!

— Раҳмат! Президентимизнинг, ҳукуратимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги-ю, эътиборини ҳар қадамда ҳис этиб туришимиз. Бу мукофот бизга келажакда ўзбек санъатининг доврўғини жаҳонга ёйишга, она юрт обрўсини дунё бўйлаб баланд кўтаришга ундайди.


Ҳозирда Ҳамза Ҳакимзода Нибзий номидаги мусиқа коллежиде кўшиқчилик сирларини меҳрибон устозларимдан чуқур ўрганмоқдаман. Умуман санъат менга бегона эмас. Оиламизда санъатга меҳр қўйиб, унинг нонини таътиб кўрганлар бор. Дадам Фуркат Мирсоатов ҳозирда иқтисодчи бўлиб хизмат қилаётган эса-да, бир пайтлар «Баёт» гуруҳида кўшиқ айтган. Онам Ирода Мирсоатова мусиқа мактабиде ўқитувчилик қилади. Ёшлигимдан санъатга меҳрим баланд. Шунинг учун бўлса керак, ота-онам мени махсус мусиқа мактабига ўқишга берган. Раҳматли бобом Хусан Рўзиметов ўз даврида «Куйгай», «Фарғона тонг отгунча» каби мумтоз кўшиқларни давраларда ёниб айтганини унинг яқин дўстларидан кўп

бора эшитганман. Илк бора катта сахнага чиққан куним ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушундан 12 ёшда эдим. Мен сахнада XVII асрда яшаган итальян композитори Альбионининг «Адажио» классик туршиғини мириқиб қўладим. Ўша пайтда мен ўзимни худди эртақлар оламида юргандай ҳис этгандим.

— Устозларингиз кимлар?  
— Устозларим ҳақида гап кетганда мен, аввало ўзбек эстрадасининг машҳур кўшиқчиларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров номини тилга олгим келади. Уларни ўзимнинг энг яқин мураббийларимдан, маслаҳатқўйларимдан бири деб биламан.

14 ёшимда Россия телевидениесининг 1-канали тақлифига кўра, «Тонги юлдуз» дастурида меҳмон сифатида иштирок этдим. 2005 йили коллежим раҳбарияти мени Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган «Бўзтўғай» халқаро вокал таълимига юборди. Устозларим ишончини оқлаб, у ердан биринчи ўринни эғаллаб қайтдим.

— Ижодкорнинг энг сара асарини мадҳ қилиш, деб ўйлайсиз?  
— Албатта, Ватани ҳақида! Эрк ва Озодлик



ҳақида бўлади, деб ўйлайман. Она юртим, боғу бўстонларим ҳақида қўйлаш менга ҳам насиб этганидан бахтиёрман. Менимча, халқнинг дарди, орзу-умидлари ҳақида ёниб-қуйиб қўйлайдиганлар ҳақиқий санъат асари яратди. Шу мавзудаги кўшиқлар инсонларнинг кўнглига тез кириб боришига шубҳа қилмайман. Озод Ватанимизда мендек ёш ижодкорлар билим олиши, эркин меҳнат ва ижод қилиши учун барча шароит яратиб берилаётганидан фахрланаман.

«Халқ сўзи» мухбири Юлдуз РИЗАЕВА суҳбатлашди.

## Ислохот фидойилари ҳақида китоб



Фермер — қишлоқда маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий шахс. Бу мажозий ифода яқинда пайдо бўлди, ammo айнан ҳозир бу таъриф қишлоқда юз бераётган чуқур ўзгаришларнинг асл мазмунини ифодалайди.

«Правда Востока» газетаси Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси кўмағида юртимиз истиклолининг 15 йиллигига бағишлаб «Ташаббус» кўрик-танловлари ғолиблари ҳақида очерклар эълон қилди. Бу очеркларда нафақат ғолиб фермерларнинг иш фаолияти, балки бугун қишлоқда олиб борилаётган ислохотлар, одамлар онгимда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳам хикоя қилинади.

Мамлакатимизда истиклолимизнинг 15 йиллиги нишонланаётган шу кунларда «Правда Востока» газетасида босилган очерклар «Ўзбекистон» нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. 2000 нусхада босиб чиқарилган маъмур тўплами А. Усмонов нашрга тайёрлаган. Китобдан «Ташаббус» кўрик-танловлари ғолиблари бўлган фермерлар ҳақидаги бадиий очерклардан ташқари, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилонинг мақоласи ҳамда мамлакатимизда фермер хўжалиқлари ривожини кўрсатувчи диаграммалар ҳам ўрин олган. «Фермер — қишлоқда бош ислохотчи» деб номланган маъмур тўпلام мустақиллигимизнинг 15 йиллигига муносиб совға бўлди.

Ўз мухбиримиз.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Шаҳарларро алоқа корхонаси» филиалининг кекса ходими **Ефим Самуилович ГАЛЬПЕРИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзР ФА Микробиология институтини маъмурияти Ўсимлик хонашларини микробиолог қайта ишлаш лабораториясининг лаборатория мудири, биология фанлари доктори **Жамондин ТОШПҲУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи**  
**Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минақаллар бўлими 133-52-55;  
Копият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамил Тогаев** ҳамда **Баҳоидир Файзиев** томонидан саҳифаланди.

Г — Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — Б. Эгаммаев.  
Набатчи — З. Жонбеков.  
Мусахҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Тоширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6